

# “RESEARCH-BASED TRANSFORMATION OF TEACHER EDUCATION: TRADITION AS A BASIS FOR INNOVATION” International Conference on Teacher Education

## ТАЪЛИМНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОТИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ МУАММОЛАРИ

**Kurbaniyazova Zamira Kalbaevna,**  
педагогика фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти,  
“Бошлангич таълим” кафедраси мудири.  
e-mail: [3892540@mail.ru](mailto:3892540@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада жаҳонда таълимни глобализациялаш шариотида таълимнинг сифатини ошириш омилларининг бири – бу таълим метод ва шакллариини замон талаблари доирасида такомиллаштириш гояси эканлиги илгари сурилган бўлиб, унда “таълимни глобаллаштириш” ва “глобал таълим” тушунчаларига аниқлик киритилган. Глобал таълимда бўлажак ўқитувчиларда анъанавий таълим билан бир қаторда инновацион таълим шакллариининг бири сифатида аралаш таълимдан фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш давр талаби сифатида таҳлил этилган. Мақолада аралаш таълимни ташиқил этишига доир ёндошувлар илмий таҳлил этилган бўлиб, ушбу таълим моделининг ўқув ва технологик ресурсларни жалб қилган ҳолда ўқитишни мослашувчанлик асосда ташиқил этишига имкон берадиган дидактик жиҳатлари белгилаган.

**Калит сўзлар:** таълимнинг глобаллашуви, глобал таълим, таълим методлари ва шакллари, рақамлаштириш шариоти, аралаш таълим модели.

**Аннотация.** В статье выдвинута идея совершенствования методов и форм обучения в рамках современных требований как одним из факторов повышения качества образования в условиях глобализации образования в мире, а также в нём разъяснены понятия «глобализации образования» и «глобального образования». Проанализировано как требование времени формирование компетенций по использованию смешанного образования в качестве одной из форм инновационного образования наряду с традиционным образованием в глобальном образовании у будущих учителей. В статье научно анализированы подходы к организации смешанного образования, а также определены дидактические аспекты данной образовательной модели, позволяющие организовать обучение на основе гибкости, с привлечением образовательных и технологических ресурсов.

**Ключевые слова:** глобализация образования, глобальное образование, методы и формы обучения, условия цифровизации, модель смешанного образования.

**Abstract.** In the article, one of the factors for improving the quality of education in the context of globalization of education in the world is the idea of improving methods and forms of education within the framework of the requirements of the time. In this article were clarified the concepts of “globalization of education” and “global education”. In global education, as a requirement of the time, the formation of competencies in the use of blended education as one of the forms of innovative education along with traditional education has been analyzed. The article scientifically analyzes approaches to organizing blended education, and also determines the didactic aspects of this educational model, which make it possible to organize training on the basis of flexibility, with the involvement of educational and technological resources.

**Key words:** globalization of education, global education, methods and forms of teaching, conditions of digitalization, model of mixed education.

# “RESEARCH-BASED TRANSFORMATION OF TEACHER EDUCATION: TRADITION AS A BASIS FOR INNOVATION” International Conference on Teacher Education

Маълумки, бугунги кунда замонавий таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири – бу таълимнинг глобаллашуви ҳисобланади. Бу тушунча ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ўз ичига қамраб олиши ва барча соҳаларга дахлдорлиги билан аҳамиятлидир. Илмий нуқтаи назардан ушбу тушунчанинг этимологик келиб чиқиш тарихи, маъно ва мазмуни бўйича турлича ёндошувлар мавжуд. Н.С.Волков ижтимоий дискурда “глобаллашув” тушунчаси XX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб қўлланилганлигини, лекин илмий истеъмолга 1983 йили иқтисодчи олим Т.Левитт томонидан киритилганлигини эътироф этса [6.], В.В.Кудряшова, В.В.Марков, Е.Б.Удачина сингари олимлар эса мазкур тушунча латин тилидан олинган бўлиб, “globalus” - “шар”, инглиз тилида “globalus” - “дунё миқёси, умумжаҳон” маъноларини билдиришини таъкидлайди. Шунингдек, бу тушунча 1983 йили Р.Робертсон томонидан қўлланилганлигини билдиради [8]. Бу эса ўз навбатида глобализация масаласи турли соҳаларнинг ўзига ҳос хусусиятлари доирасида таҳлил этилганлигини кўрсатади. Бугунги кунда таълим соҳасида ҳам глобал таълим ва таълимнинг глобаллашуви масалалари илмий мулоҳазалар объектига айланган масалаларнинг бири ҳисобланади. Чунки глобаллашган оламда барча таълимнинг глобаллашуви энг аввало глобал бозор иқтисодиёти талаб ва эҳтиёжларига мос тарзда билимлар, ахборотлар, маданий кадриятлар ва билимнинг товар сифатида маҳсулотга айланиши билан боғлиқ бўлган ҳамда бутунжаҳон яхлит таълим кенглигини ривожлантиришга доир универсал ва интегратив тушунча ҳисобланади. Яъни, глобал таълим ҳар бир шахснинг таълим, билим олиш ҳуқуқини таъминлаш билан бир қаторда ўзларининг дунё миқёсида ўзи танлаган соҳаси бўйича таълим олиш, жаҳон маданияти ва кадриятларига интеграцияланиш, дунёқараши ва тафаккурининг кенгайиши имкониятини беради.

Бугунги кунда глобал таълимни тадқиқ этиш йўналишлари ҳам кенгайтиб бормоқда. Буларга:

- глобал таълим шароитда давлатнинг таълим сиёсатидаги роли,
- таълим сиёсатидаги глобал муммолар,
- глобал таълимда таълимнинг трансформацияси масалалари,
- глобаллашувнинг миллий кадрлар тайёрлашга таъсири,
- таълим муассасаларининг ҳамкорлигини ташкил этиш ва дунё миқёсида унинг рейтингини кўтариш,
- таълим муассасаларининг стандартлашуви ва ҳ.к.

Шу ўринда тарихчи олим Р.Р.Хайрутдиновнинг бугунги кунда глобал

# “RESEARCH-BASED TRANSFORMATION OF TEACHER EDUCATION: TRADITION AS A BASIS FOR INNOVATION”

## International Conference on Teacher Education

оламнинг шаклланаётганлигини ва у илм билан таълимда яққол намоён бўлиши билан бир қаторда уларни шакллантириш ҳақидаги фикрларини эслаш муҳимдир. Олим глобал таълим ва таълимнинг глобаллашуви масалаларига алоҳида тўхтаб ўтади. У **таълимнинг глобаллашуви** – бу таълимнинг турли тизим ва шакллари интеграциялашга йўналтирилганлиги билан боғлиқ эканлигини билдирса, **глобал таълим** эса таълим жараёнларининг сифат ва мазмун жиҳатдан трансформацияланиши билан тавсифланиши таъкидлайдилар [16: 82-88 с.]. Дарҳақиқат, глобал таълим - бу таълимнинг глобаллувининг алоҳида кўриниши сифатида давлат ўқув дастурларида белгиланган компетенцияларни ҳамда таянч кадриятларни ривожлантиришга ўзининг таъсирини кўрсатади. Таянч ва фанга оид компетенцияларни ҳамда миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида ёшларни тарбиялаш ишлари энг аввало таълимнинг сифатини таъминлаш билан боғлиқдир. Бу борада В.В.Фурсов “Таълимнинг сифати – бу таълим тизимининг меҳнат бозори эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳамда уларни амалиётда самарали қўллаш оладиган билимларни эгаллаган мутахассислар тайёрлаш қобилияти” [19], - деган фикрларни илгари сурган бўлса, А.А.Светлов эса таълим сифати билан рақобатбардошлик ҳақида фирларини илгари суради ҳамда у ўзида қўйидаги компонентларни бирлаштириши ҳақидаги ғояларини илгари суради [14]. Бу каби таълимни глобаллаштириш шароитидаги муаммоларнинг бири – бу дидактикадаги ўқитиш методлари, ўқитувчиларнинг турли таълим метод ва шаклларидан фойдалана олишлари, таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот натижаларининг узлуксиз таълимнинг, шу жумладан олий таълим тизимидаги педагогик жараёнларга трансформация қилиш жараёнлари билан боғлиқдир. Бу борада Ўзбекистон Республикасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” стратегияси туғрисидаги ПФ-158-сон Фармонида “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” масаласи кўндаланг қўйилган бўлиб, унда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш, умумий ўрта таълим ташкилотларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш шунингдек, мактаб ўқувчиларини халқаро IT бозорида талаб юқори бўлган замонавий касбларга ўргатиш ҳамда 40 миллионга яқин китоб фондини рақамлаштиришга алоҳида урғу берилган [2]. Бу каби вазифлар эса ўз-ўзидан анъанавий таълим билан чекланиш эмас, балки таълимни рақамлаштириш асосида ташкил эта оладиган, замонавий ахборот

# “RESEARCH-BASED TRANSFORMATION OF TEACHER EDUCATION: TRADITION AS A BASIS FOR INNOVATION” International Conference on Teacher Education

коммуникацион ва инновацион технологияларидан ҳам аралаш тарзда фойдалана оладиган компетентли педагогларни тайёрлаш сифатини оширишни тақозо этади. Яъни, педагогика олий таълим тизимини такомиллаштириш ва янги замон педагогларини тайёрлашда замонавий таълим технологияларини қўллаш давр талаби ҳисобланади. Шундай таълим технологияларининг бири аралаш таълим ҳисобланади.

Аралаш таълим деганимизда кўпчилик ҳолатларда офлайн, яъни аудиторияларда ташкил этиладиган машғулотлар шакли ҳамда онлайн, яъни масофавий тарзда компьютер ва ахборот технологияларининг иштирокида ташкил этиладиган машғулотлар шакли тушунилади. Айтиш жоизки, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим шакллариининг тутган ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Аралаш таълим шакли юзасидан хорижий ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимлари томонидан қатор изланишлар олиб борилган. Масалан, биринчилардан бўлиб Curtis J. Bonk, Charles R. Graham сингари олимлар “аралаш таълим” тушунчасининг этимологик келиб чиқиш тарихи, унинг таълим жараёнига жорий этилиши ва ўзига хос хусусиятлари юзасидан йирик кўламда ўзларининг изланишларини олиб борган олимлар ҳисобланади [7]. А.Е.Булганина, К.В.Белоусова, С.Д.Калинина, А. Кондатов, А.В.Лабазова, А.В.Логонова, И.А.Малинина, И.А.Нагаева, М.П.Прохорова, А.А.Шкунова сингари олимлар аралаш таълимнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни давом эттиришган. Жаҳон тажрибаси ва таҳлиллар асосан шуни кўрсатадики, аралаш таълим технологияси учта асосий ташкил этувчидан иборат. Булар масофавий ўқитиш (Distance Learning), аудиторияда ўқитиш (Face-To-Face Learning) ва Интернет орқали ўқиш (Online Learning). Агарда аралаш таълимнинг ривожланиш тенденцияларини кузатадиган бўлсак бу таълимнинг кўплаб қирраларининг очилиб бораётганлигини кўриш мумкин. Олимлар томонидан дастлаб аралаш таълимда ўқитишнинг турлихил усул, услуб ҳамда анъанавий таълимни онлайн режимда ўқитиш билан аралаштириш тушилган бўлса (Curtis J. Bonk, Charles R. Graham), сўнгра буларга қўшимча интернет тармоқларидан фойдаланиш орқали ўқитиш, гибрид ҳамда масофавий таълим билан аралаштириш назарда турилганлигини кўриш мумкин [13:56-67.]. Аралаш таълим туғрисидаги бу каби қарашлар янада кенгайиб аралаш таълим деганимизда нафақат ўқитишнинг анъанавий шакли, балки ўқув дастурларини ҳам ўзида бирлаштиришга йўналтирилганлигини англаш керак бўлади [4]. Аралаш таълим ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш жараёнлари ушбу таълимнинг XXI аср қақирғига жавобан таълимнинг глобализацияси,

# **“RESEARCH-BASED TRANSFORMATION OF TEACHER EDUCATION: TRADITION AS A BASIS FOR INNOVATION”**

## **International Conference on Teacher Education**

ахборотлашуви, компьютеризация ва рақамлаштирилиши билан билан боғлиқ ҳолда янада ривожланишнинг дастлабки паллаларида турган, жоиз бўлса таълимнинг янги парадигмаларига юз тутадиган таълимга айланиш эҳтимолидан ҳоли эмас. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аралаш таълим тизимининг қайси компонентини олмайлик улар доимий ўзаро боғлиқликда ишлайди ва методик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши керак. Ўқув фанларини ўқитишда энг мақбул натижаларга эришиш ташкилий ва таркибий жиҳатларга боғлиқ, чунки таълим жараёнининг барча элементлари ўзаро таъсирлашиши ва бир бутунни ташкил қилиши керак. Юртимизда олий таълим тизимида ҳам аралаш таълимнинг муайян қирралари ва элементлари қўлланилиб келинмоқда ва бу борада олимларимиз ва тадқиқотчиларимиз ҳам ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдириб, илмий изланишларини олиб боришмоқда. Ф.А.Ҳамроева, М.А.Давронова, Ж.А.Намозовлар аралаш таълимни тоборо оммалашиб бораётган таълим шакли эканлигини эътироф этган ҳолда унинг қатор ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради. Булар талабанинг мустақил таълим олиши, лекин айна вақтда ўқитучи томонидан ёрдам кўрсатилиши, талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш баробарида ўзидаги рўй бераётган ижобий ўзгаришларни намоён этиши, мулоқот кўникмаларини ўзлаштириб бориши, ўқув материалларини такрорлаш имконининг мавжудлиги, янги мавзунини ўзлаштиришга тайёрланиши, бу таълимнинг асосан топшириқларга таяниши, аудиторияда ва онлайн режимда таълимнинг ташкил этилиши ва ҳ.к. [15]. Амалиётчи-ўқитувчилар Г.Б.Абдукадилова ва Г.Ш.Хамроевалар олий таълим муассасаларида ушбу таълимнинг талабалар билими ва тажрибасини оширишдаги имкониятларига кенг тўхталиб ўтган [1]. Бу эса ўз навбатида олим ва тадқиқотчилар томонидан ушбу таълим парадигмасининг юртимиздаги таълим муассасалари ёки таълим тизимига кириб келиши қўллаб-қувватланганлигидан далолат беради. Таҳлиллар ва илмий изланишлар жараёнида кўплаб олимлар томонидан аралаш таълимнинг ютуқ ва камчиликлари ҳам аниқлаштирилганлигини кўриш мумкин. Масалан, аралаш таълим талабалар учун ўзининг қатор қулайлик ва имкониятларига эга бўлиши билан бир қаторда бу таълимни олий таълим тизимига олиб кириш амалиётида қўйидаги қатор муаммоларнинг ҳам мавжудлигини кўриш мумкин.

Биринчидан, илмий манбаларда назарий жиҳатдан аралаш таълимга оид атамалар илмий жиҳатдан тўлиқ асосланмаган ва тартибга солинмаган. Масалан баъзан аралаш таълимни электрон таълим, масофавий таълим ёки гибрид таълим билан чалкаштириш ҳолатлари учрайди. Масалан гибрид таълим асосан синхрон

# “RESEARCH-BASED TRANSFORMATION OF TEACHER EDUCATION: TRADITION AS A BASIS FOR INNOVATION”

## International Conference on Teacher Education

тарзда амал оширилиб, талабаларнинг муайян қисми аудиторияларда бевосита профессор-ўқитувчилар билан мулоқоти асосида таълим жараёни ташкил этилса, ушбу таълим талабаларнинг яна бир қисми билан онлайн тарзда масофавий трансляция орқали амалга оширилиши мумкин. Аралаш таълимда эса ўқитиш жараёнлари ҳам синхрон, ҳам асинхрон тарзда талабалар учун қулай шароитларда ташкил этилиши кўзда тутилган. Ёки бўлмаса “аралаш таълим” (blended-learning) тушунчаси илмий категория сифатида таълим парадигмаси [7], таълим концепцияси [17], таълим тури [15], таълим методи [15], таълим дастури [3 ҳамда таълим технологияси [4;10;18] сифатида турлича таҳлил этилмоқда.

Иккинчидан, аралаш таълим ўзида анъанавий офлайн таълим билан онлайн таълимни интеграциялаган ва бир-бирини тўлдирган ҳолда талабаларга ўқув материалларини турли форматда тақдим этиш имконини беради. Лекин олий таълим муассасалари ўқув режалари ҳамда анъана тусига кирган таълим шкллари (маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лабораториялар, мустақил таълим, курс ишлари ва ҳ.к.) айнан аралаш таълимни кенг жорий этишга йўналтирилиши мақсадга мувофиқдир. Ваҳоланки, аралаш таълим муайян шароитдан келиб чиққан ҳолда таълимнинг турли метод, шакл ва воситаларини қўллаш имконияти кенглиги билан характерланади. Масалан, аралаш таълим шароитида турли методлардан фойдаланган ҳолда офлайн семинар (конференция), тақдирот, ваколатларни ўтказиш, ротация, амалий машғулот, лойиҳалар устида ишлаш, кейслар билан ишлаш, тренинглар, мустақил иш, семинар, лойиҳаларда иштирок этиш, лойиҳавий-таҳлилий сессия, лойиҳаларни индивидуал ҳимоя қилиш, лойиҳаларни гуруҳда ҳимоя қилиш, имтиҳон, вебинар, видеоконференция, мураббийлик, видео маъруза, виртуал маслаҳат, назорат ишларини бажариш, виртуал тьюториал, коучинг, ишбилармонлик ўйинлари, консултация, маъруза, қайтар алоқалар, лаборатория ишлари, мастер-класс, таълим экспедицияси, таълим мусобақаси сингари турли таълим тадбирлари ва ўқув фаолияти ташкил этилиши мумкин. Шунингдек, аралаш таълим шароитида жамоавий, гуруҳий ва индивидуал каби турли хил таълим шаклларида фойдаланиш ҳам ўқув жараёни сифатини оширади ва самарали натижалар беради. Лекин аралаш таълимни ташкил этиш жараёнларига талабалар билан бир қаторда профессор-ўқитувчиларнинг ҳам психологик, ҳам методик, ҳам технологик жиҳатдан тайёр эмасликлари, ИТ саводхонликнинг етишмаслиги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

# “RESEARCH-BASED TRANSFORMATION OF TEACHER EDUCATION: TRADITION AS A BASIS FOR INNOVATION”

## International Conference on Teacher Education

Учинчидан, аралаш таълим ўзида анаъанавий, электрон ва масофавий таълим элементларини бирлаштирганлиги сабабли талабалар босма шаклдаги китоблар, дасрликлар, қўлланмалар билан бир қаторда ўқув платформалари, онлайн ўқув сервислари, виртуал ўқув материаллари, симуляцион қурилмалар, мультимедия ва мобиль иловалар, аудио материаллар ва видеороликлар, лозим бўлган ҳолатларда ижтимоий тармоқлардан ҳам таълимий мақсадларда фойдаланишлари мумкин бўлади.

Туртинчидан, аралаш таълим модели ва фаолият характеридан келиб чиқиб педагогик компетентликнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бўйича изланишлар олиб бориш талаб этилади. Шунингдек, аралаш таълим шароитида педагогик компетентликни ривожлантириш босқичлари, метод, восита ва педагогик шарт-шароитларини янада такомиллаштириш талаб этилади. Масалан, аралаш таълимнинг академик гуруҳлардаги турли хил малакаларга эга бўлган талабаларнинг битта ягона мақсад атрофида бирлашиб фаолият кўрсатишга йўналтирилган кросс-функционал тафаккурни шакллантиришдаги имкониятлари, мазкур таълимнинг интерфаоллик жиҳатлари, таълим олишга доир талабаларнинг мотивацияси ва билимлилик даражаси, аралаш таълимни ташкил этишда таълим контентлари ва электрон ресурсларини тайёрлаш, аралаш таълим шароитида талабаларнинг ўқув фанларини ўзлаштирганлик мониторинги, аниқ ўқув фанлари кесимида бу таълимнинг LMS MOODLE ёки Nemis таълим бошқариш тизимида асосланган ҳолда ташкил этилиши, аралаш таълимни ташкил этишнинг методик ва дидактик асосларини такомиллаштириш ҳали ўзининг ўрганилишини кутиб турган муаммолардан ҳисобланади.

Шундай қилиб, аралаш таълим модели концепциясини, шунингдек унинг мақсадлари ва таъкидланган афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, айтиш мумкинки, ўқитишнинг ушбу технологияси таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи ўқув ва технологик ресурсларни жалб қилган ҳолда ўқитишни мослашувчанлик асосда ташкил этишга имкон берадиган дидактик жиҳат ҳисобланади. Шу муносабат билан ҳозирги вақтда қуйидаги таълим шакллари алоҳида ажратиб кўрсатилади:

- талаба ва ўқитувчи ўртасида бевосита коммуникация, аудиториядаги машғулотлар, маърузалар ҳимояси, назорат ишлари, тестлар, рефератлар ёзиш, доска олдида жавоб жавоб бериш ва бошқаларни назарда тутувчи анъанавий ўқитиш;

# “RESEARCH-BASED TRANSFORMATION OF TEACHER EDUCATION: TRADITION AS A BASIS FOR INNOVATION” International Conference on Teacher Education

- ўқитувчининг тизимли маслаҳатларини ташкил қилишда матнлар, аудио-визуал ва мультимедиали ўқув материаллари тўпламлари (кейслар)дан фойдаланишга асосланган ҳолда талабаларнинг мустақил ишлашига йўналтирилган кейс-таълим;

- талабаларни ўқув-услубий материаллар билан ва ўқитувчи, талабалар ҳамда таълим муассасалари маъмурияти ўртасида интерактив ўзаро алоқани таъминлаш учун инструментал муҳит, телекоммуникация тармоқлари ёрдамида ташкил этилган тармоқлар орқали ўқиш (e-learning).

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим туғрисида»ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон. 2020 йил, 23-сентябрь, ЎРҚ-637-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон–2030 стратегияси” туғридаги Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон
3. Абдукадилова Г.Б, Хамроева Г.Ш. Аралаш таълим тизимида талабалар билимини мустаҳкамлаш ва уларнинг тажрибасини кенгайтириш. //Ўзбекистонда хорижий тиллар илмий-методик электрон журнал. 2019 №4. – 45-51 б. <https://journal.fledu.uz/uz/>
4. Ашурова Д.Н. Аралаш таълим (blended learning)нинг концептуал ва терминологик аппарати. //Ўзбекистонда хорижий тиллар, 2020. №4 (33), 164-174 б.
5. Бабаходжаева Л.Г. Аралаш таълим шароитида талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш методикаси. Ўқув-методик қўлланма. – Тошкент, “MALIK PRINT CO. - 2021 й. – Б.156.
6. Волков Н.С. Глобальное управление в сфере образования: истоки, методы, актуальные проблемы и перспективы. Вестник Московского университета. Сер.27. Глобалистика и геополитика. 2017г. №2. 49-55 с. - 49 с.
7. Clark, D. Blended Learning: An Epic White Paper [электронный ресурс]. /Clark D //Epic Group plc. – 2003. – 44 с. Режим доступа: <http://www.alapitvany.oktopusz.hu/domain9/files/modules/module15/261489EC2324A25.pdf>. Дата обращения: 15.04.2016.
8. Кудряшова В.В., Марков В.В., Удачина Е.Б. Глобализация: понятие и цель в формировании единого учетного информационного пространства. //Известия Московского государственного технического университета МАМИ. 2013. № 4(18). Т.І. 82-90 с. 82с
9. Курбаниязова З.К. Развитие социально-педагогической компетентности будущих учителей в условиях смешанного обучения. Автореф...дисс.д.п.н. – Нукус-2022. С.67.

# **“RESEARCH-BASED TRANSFORMATION OF TEACHER EDUCATION: TRADITION AS A BASIS FOR INNOVATION”**

## **International Conference on Teacher Education**

10. Curtis, J. Bonk The Handbook of Blended Learning: Global Perspectives, Local Designs / Curtis J. Bonk, Charles R. Graham // Pfeiffer. – 2006.
11. Кондатов А. Новая парадигма образования. [электронный ресурс]. <https://blendedlearning.livejournal.com/5053.html>
12. Маликова Л.Р. Технология смешанного обучения в начальных классах. – Образовательная социальная сеть. <https://nsportal.ru/nachalnaya-shkola/raznoe/2017/08/30/>
13. Нагаева И.А. Смешанное обучение в современном образовательном процессе: необходимость и возможности. //Отечественная и зарубежная педагогика. -2016. №6. – С. 56-67.
14. Светлов А.А. Проблемы и перспективы развития системы образования: российский и зарубежный опыт / А. А. Светлов. — Текст : непосредственный // Образование и воспитание. — 2020. — № 1 (27). — С. 1-4. — URL: <https://moluch.ru/th/4/archive/154/4694>
15. Tomlinson, B. Blended Learning in English Language Teaching: Course Design and Implementation [электронный ресурс]. / Tomlinson, B., Whittaker, C. // British Council – 2013. 258 С. Режим доступа: [http://www.teachingenglish.org.uk/sites/teacheng/files/D057\\_Blended%20learning\\_FINAL\\_WEB%20ONLY\\_v2.pdf](http://www.teachingenglish.org.uk/sites/teacheng/files/D057_Blended%20learning_FINAL_WEB%20ONLY_v2.pdf). Дата обращения: 14.04.2016.
16. Хайрутдинов Р.Р. Глобализация образования и мир глобального образования. //Глобальная экономика и образование. - 2021 г. 82-88 с.]
17. Ҳамроева Ф.А., Давронова М.А., Намозов Ж.А. Муस्ताқил таълимни ташкил этишда интерактив таълим технологияларидан фойдаланиш. Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 5 | 2022 ISSN: 2181-1385 Cite-Factor: 0,89 | SIS: 1,12 DOI: 10.24412/2181-1385-2022-5-1199-1205. <https://ares.uz/storage/app/uploads/public/629/bbc/8f7/629bbc8f7f378437362895.pdf>
18. Friesen N. Defining Blended Learning. Avgust. - 2012.
19. Фурсова В. В. Качество образования как фактор повышения конкурентоспособности университетского образования: зарубежный опыт и российская практика [Электронный ресурс]. URL: <https://elibrary.ru/defaultx.asp>
20. Что такое blended learning (смешанное обучение)? Центр координации образовательных проектов КФУ. – Июнь, 2021.
21. Шкунова А.А., Прохорова М.П., Лабазова А.В., Белоусова К.В., Булганина А.Е. Реализация технологии смешанного обучения средствами LMS MOODLE. //Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования. – 2019. – № 2 (36). 108-115 с.